



Мен халол озик-овкат тўғрисидаги баъзи фикрларни халол стандарт бўйича сертификатлаштириш марказларининг фатволарни тайёрлашда классик усулдан, хусусан, ханафий мазхабига кўра фарк қилиши мумкинлиги хақида мақола ёзиш истагида эдим. Буни тушунмаслик баъзида айрим нотўғри хулосаларга олиб келади: ёки одамлар яхши сертификатлаштириш марказларини қобилиятсизликда гумон қиладилар ёки билимли муфтиларни талабчанликни хаддан ташқари сусайтиришида айблашади.

Ханафий мазхабига кўра рухсат берилган маҳсулотлар мавжуд, аммо улар ўзларини ҳурмат қиладиган бирон бир марказда «Халол» сертификати олишлари даргумон. Ахир, «Халол» белгиси бу - нафакат рухсат бериш, балки диннинг рамзи ҳамдир. Масалан, агар якуний маҳсулот – торт ёки куймоқ гуноҳкорлар билан боғланмаса ва маст бўлиш учун истеъмол қилинмаса, пиводан куймоқ хаамири учун ёки ромдан шоколад тортида фойдаланишга рухсат берилади. Лекин ҳеч ким бундай ширинликка сертификат бермайди. Нима учун? Чунки таркибида спиртли ичимлик бўлган маҳсулотга «Халол» белгиси қўйиш бу – динни ерга уришдир. Чунки бошқа мазхаблар ҳамрни бошқача таснифлайди, сертификация марказлари эса уларга масалан, шофеъийлар ҳам ишонишлари кераклигини билади. Чунки бундай ширинликка «Халол» рамзини қўйиш спиртли ичимликлар ишлаб чиқарувчиларни билвосита қўллаб-қувватлаш демакдир (ахир ширинлик тайёрлаш учун пиво ва ром қимдандир сотиб олинади-ку!). Ва ниҳоят – чунки мусулмонлар фикх тафсилотларини яхши билмайди ва таркибида ром бўлган маҳсулотга сертификат берган марказга ишонмай қўяди.

Бошқа қўллаб мисоллар ҳам келтириш мумкин. «Халол» сертификати ҳеч қачон “Nike” кроссовкаларига берилмайди, гарчи уларни қийиш мумкин бўлсада, ёки ичиш мумкин бўлган «Муқаддас манба» суви. Бу динни обрўсизлантирган бўларди. Бирок бунга рухсат

берадиган ханафий муфтийлар ҳам хато килмайди.

Сертификатлаш маркази бу – дор-ул ифта эмас. Сертификатлаш маркази ходимлари академик фатво бермайди, балки уларга барча мазхабдаги мусулмонлар ишониши учун ишлайди. Умуман олганда, сертификатлаш марказлари ёндашуви классик мазхаб фатвосидан жиддийроқ бўлади, чунки бошқа мазхаблар мусулмонлари ҳам ҳисобга олинади. Бундай ҳар қандай марказнинг максоди – агар у ҳалол ишлайдиган бўлса, мусулмонларга бу рамз туширилган маҳсулотни шубҳаланмасдан олиш имконини беришдир.

Бу айтиб ўтилган рамз туширилмаган ҳамма маҳсулотлар ҳаром эканлигини англатадими? Албатта, йўқ. Сут, ёғ, тухум, каймоқ, чой – буларнинг барчаси асоси бўйича рухсат этилган. Ҳа, биз нимадир яхши эмас нарсаларни тахмин қилишимиз мумкин. Масалан, агар майонез таркибидаги тухум саригига нажас билан ишлов берилган бўлса-чи? Биз бу маҳсулотларнинг қайсидир биридан воз кечишимиз мумкин, лекин қатъий ишонч билан ҳаром дея олмаймиз. Шариат бу – ҳеч нарса мумкин эмас ва ҳамма нарса хавфли бўлган доимий ёпик қарцер эмас. Агар нимадир кўпчилик учун чидаб бўлмас даражада имконсиз бўлса, эҳтимол, одамлар ҳаддан ташқари гайрат кўрсатиб юборган бўлади.

Сўзлардан ўз хоҳишича фойдаланишнинг бошқа бир тури - атрофидаги ҳамма нарса шубҳали деб айтилиши. Ифта амалиётида, яъни айнан фатволар чиқариш доирасида "шубҳали" ҳукми оддий мусулмон озик-овкат кўшимчалари ёки шунга ўхшаш нарсалар тўғрисида китобларни ўқиганидан кейин тахмин қиладиган даражада мавжуд эмас. Афтидан, ханафий мазхабидаги терминологик маънода ягона шубҳали нарса бу эшак ёки ҳачир сув ичган идишдаги сувдир.

Бошқача қилиб айтганда, муфтий сизга қандайдир глицерин шубҳали деб ёзиб ўтирмайди. У сизга агар бу нарса ҳалол хом ашёдан тайёрланган бўлса ҳалол, агар ҳаром нарсадан тайёрланган бўлса – ҳаром деб айтади, бўлди.

Бирок қундалиқ ҳаётда «шубҳали» сўзи тақикланган ёки рухсат этилган бўлиши, лекин биз ҳозирча унинг қандай эканлигини билмайдиган ва эҳтимол, ҳеч қачон била олмайдиган нарсани англатади, чунки оддий одамлар қорхонага қўнғирок қилиб, қандай хом ашёдан фойдаланилгани ҳақида сўрамайди. Сертификатлаш марказининг вазифаси – ўз рамзи билан бу ерда ҳамма нарса маълум эканлиги, маҳсулот таркибида барчаси, жумладан, озик-овкат кўшимчалари ҳам ҳалоллигини кўрсатишдир. Агар «Халол» рамзи бўлмаса-чи? Бу ерда энди, гап озик-овкат кўшимчалари ҳақида борадиган бўлса, бироз қийинроқ.

Биринчидан, такрорлайман, «шубҳали» ҳукми мавжуд эмас. Маҳсулот ёки рухсат этилган, ёки тақикланган бўлади. Агар биз бу маҳсулот тақикланган эканлигига ишончимиз қомил бўлмаса, демак у рухсат этилган, албатта агар гап гўшт маҳсулотлари ҳақида кетаётган бўлмаса. Таркибида жониворлар гўшти хом ашёсидан олинган озик-овкат кўшимчаси бўлган печенье – бу гўштни ёки қонми? Тўғрисида айтганда, қанчалик қулгили янграмасин, бу унчалик тушунарли эмас. Бу қандайдир мавҳум ҳудуд. Мусулмонлар ҳар бир маҳсулот таркибини ўқиб чиқиши шартми. Бу намоз қаби фарз ал-айн эмаслиги маъносида мажбур эмас. Кейин. Агар у маҳсулот таркибини ўқимасдан, таркибида бир талай кўшимча бўлган печенье сотиб олса, таркибида тақикланган бирор нарса борлигидан шубҳа ҳам қилмаган ҳолда уни еб қўйган бўлса, у айбдорми?

Билмадим. Агар у маҳсулот таркибини ўқимасдан туриб, тақикланган бўлиши мумкин бўлган, лекин биз у ҳақида ҳали ҳеч нарса билмаган қандайдир кўшимчани еб қўйган

бўлса-чи? Бунисини энди аниқ билмайман.

Лекин агар печенье бу – нон бўлса, у асос бўйича рухсат этилган, токи бунинг акси исботланмагунча. Камида мана шу фикр бизни магазинда ёнимизда турган ва ҳеч нарсада айбдор бўлмаган мусулмонлар кўлидан печенье олиб кўйишдан тўтхатиб туриши лозим.

Иккинчидан, канчалик галати бўлмасин, агар гап озик-овкат кўшимчалари ва кимёвий реакциялар хақида борадиган бўлса, унда модданинг ўзгариши вещества (истихола) бўлиши мумкин. Ханафийлик мазхаби нафакат истихолани желатин ишлаб чиқаришда тан олмаслиги билан, балки уни бир катор кимёвий жараёнлар орасида тан олиши билан ҳам маълум, шунчаки буни оддий халк яхши билмайди. Агар модда тўлиқ ўзгарган бўлса, хом ашёнинг ахамияти йўқ. Доим ҳам шундай рўй бермаслиги бу – бошқа гап, лекин совун ишлаб чиқариш – яхши мисол бўла олади. Айримлар совунланиш реакциясини истихола деб ҳисоблайди.

Бу асло эндиликда махсулотлар таркибини ўқимаслик кераклигини англамайди. Кенг маънода шубҳали нарсалардан эҳтиёт бўлиш – яхши иш, бу тасаввуф соҳасидан тўғри ёндашувдир. Бирок, агар сиз ўзингизни тўғри тутсангиз ва махсулот таркибини ўқисангиз, бошқа мусулмонларни ўқитманг ва нифок солманг. Улар сизнинг юқори даражадаги истеъмолчи онгингизга ва нафсни тийиш мақомларига ўзлари етиб боради. Амр бил-маъруфни зўравонлик ва зулм қилишга айлантириб олманг. Ва албатта, «Халол» рамзи бўлган махсулотлар харид қилишга ҳаракат қилинг.